


I. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ


Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-июнь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар)ларининг умумий ҳажми 9646,3 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 97,2 фоизни, шу жумладан ялпи деҳқончилик маҳсулотлари 3381,9 млрд. сўмни (89,6 фоиз), ялпи чорвачилик маҳсулотлари 6050,5 млрд. сўмни (102,0 фоиз), қишлоқ хўжалигида кўрсатилган хизматлар ҳажми 32,1 млрд. сўмни (116,8 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 18,5 млрд. сўмни (99,3 фоиз), овчилик хўжалигида 0,2 млрд. сўмни (112,5 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 163,1 млрд. сўмни (101,9 фоиз) ташкил қилди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар) ҳажмининг тақсимланиши, фоизда




- Ўрмон хўжалиги
- Балиқ хўжалиги
- Деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар
- Деҳқончилик
- Чорвачилик
- Хизматлар (овчилик билан)

2020 йилнинг январь-июнь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажми ва ўсиш суръатлари



Хусусан юқори ўсиш суръатлари Яккабоғ (111,2 фоиз), Ғузур (104,0 фоиз), Қарши шаҳри (102,8 фоиз), Қамаши (102,7 фоиз), Муборак (102,6 фоиз) ва Шаҳрисабз шаҳар (102,4 фоиз) туманларида кузатилди. Миришкор (86,4 фоиз), Қарши (92,6 фоиз) ва Касби (92,7 фоиз) туманларида эса аксинча паст ўсиш суръатлари кузатилди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар)лар ҳажмининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши




Вилоятнинг қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажмида Чирокчи туманининг улуши 14,9 фоизни ташкил этди ва ҳудудлар бўйича етакчилик қилмоқда, Косон тумани 9,2 фоиз, Яккабоғ тумани 8,7 фоиз ва Қамаш тумани 8,3 фоиз кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгаллади, энг кам улуш Шаҳрисабз (0,8 фоиз) ва Қарши (0,9 фоиз) шаҳарларида қайд этилди.

2020 йилнинг январь-июнь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажми

| | <i>млрд. сўм</i> | <i>ўсиш суръати %</i> |
|-----------------------|------------------|-----------------------|
| Вилоят бўйича: | 9646,3 | 97,2 |
| <i>шаҳарлар:</i> | | |
| Қарши | 79,1 | 102,8 |
| Шаҳрисабз | 85,9 | 102,4 |
| <i>туманлар:</i> | | |
| Гузор | 594,8 | 104,0 |
| Дехқонобод | 422,2 | 95,2 |
| Қамаш | 805,4 | 102,7 |
| Қарши | 737,3 | 92,6 |
| Косон | 884,3 | 94,7 |
| Китоб | 761,2 | 100,2 |
| Миришкор | 621,1 | 86,4 |
| Муборак | 530,9 | 102,6 |
| Нишон | 590,2 | 96,0 |
| Қасби | 651,2 | 92,7 |
| Чирокчи | 1441,5 | 95,0 |
| Шаҳрисабз | 600,6 | 93,0 |
| Яккабоғ | 840,6 | 111,2 |

**2020 йилнинг январь-июнь ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги
маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши**
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар
- Фермер хўжаликлари
- Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари

ДЕҲҚОНЧИЛИК



2020 йилнинг январь-июнида ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 3381,9 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 89,0 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 35,9 фоизни ташкил қилди.


Ҳосил йиғими. 2020 йил январь-июнь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 151908 тонна сабзавот (87,7 фоиз), 97216 тонна картошка (103,7 фоиз), 36782 тонна озиқбоп полиз (84,6 фоиз), 68745 тонна мева ва резаворлар (96,4 фоиз), 7543 тонна узум (132,8 фоиз) йиғиб олинди. Бундан ташқари 619189 тоннадан ортиқ дон экинлари (79,1 фоиз) ишлаб чиқарилди.

**2020 йилнинг январь-июнь ойларида хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги
деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

| | Фермер хўжаликлари | | Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | | Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташиқлотлар | |
|-----------------------|---------------------------|-----------------------------|--------------------------------------------|-----------------------------|---------------------------------------------------------------|-----------------------------|
| | <i>тонна</i> | <i>ўсиш суръати, фоизда</i> | <i>тонна</i> | <i>ўсиш суръати, фоизда</i> | <i>тонна</i> | <i>ўсиш суръати, фоизда</i> |
| Дон | 520779 | 75,2 | 83374 | 99,7 | 15036 | 2,1 м. |
| Картошка | 11334 | 101,0 | 85793 | 104,2 | 89 | 48,6 |
| Сабзавотлар | 17592 | 42,5 | 132899 | 102,8 | 1417 | 55,0 |
| Полиз | 14102 | 67,5 | 22603 | 100,6 | 77 | 81,1 |
| Мевалар ва резаворлар | 34195 | 106,6 | 33676 | 88,8 | 874 | 68,0 |

**2020 йилнинг январь-июнида ҳудудлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик
маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

Сабзавотлар (тонна)



Мевалар ва резаворлар (тонна)



ЧОРВАЧИЛИК



Келгусида чорвачилик соҳасининг имкониятларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилиши ҳамда давлат томонидан кўрсатилаётган тизимли кўллаб-қувватлашлар натижасида қорамоллар бош сонининг ўсишига, ички истеъмол бозорларининг чорвачилик маҳсулотлари билан тўйинишига имкон яратди.

2020 йилнинг январь-июнида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 6050,5 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 102,0 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 64,1 фоизни ташкил этди.

2020 йилнинг 1 июль ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 100,5фоиз (жами 1562,8 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 100,7 фоиз (507,1 минг бош), қўй ва эчкилар 100,1 фоиз (4589,0 минг бош), отлар 101,3 фоиз 32,0 минг бош), паррандалар 94,6 фоизни (5712,0 минг бошни) ташкил этди.

2020 йил 1 июль ҳолатига хўжалик тоифалари бўйича чорва моллари ва паррандалар бош сони

| | минг бош | ўсиш суръати, % |
|--------------------------------------------------------|---------------|--------------------|
| Йирик шохли қорамол | 1562,8 | 100,5 |
| <i>шу жумладан:</i> | | |
| Фермер хўжаликлари | 68,4 | 116,1 |
| Дехкон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 1476,2 | 100,2 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 18,2 | 79,5 |
| улардан сигирлар | 507,1 | 100,7 |
| <i>шу жумладан:</i> | | |

| | <i>минг бош</i> | <i>ўсиш суръати, %</i> |
|--------------------------------------------------------|-----------------|----------------------------|
| Фермер хўжаликлари | 22,9 | 117,4 |
| Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 479,2 | 100,4 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 4,8 | 77,4 |
| Куй ва эчкилар | 4589,0 | 100,1 |
| <i>шу жумладан:</i> | | |
| Фермер хўжаликлари | 276,9 | 115,3 |
| Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 4051,6 | 100,0 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 260,5 | 90,0 |
| Отлар | 32,0 | 101,3 |
| <i>шу жумладан:</i> | | |
| Фермер хўжаликлари | 3,0 | 118,5 |
| Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 27,8 | 100,1 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 1,2 | 94,8 |
| Паррандалар | 5712 | 94,6 |
| <i>шу жумладан:</i> | | |
| Фермер хўжаликлари | 284,2 | 81,5 |
| Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 3981,4 | 105,5 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 1446,4 | 75,5 |


Умумий бош сонга нисбатан деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 94,5 фоизни, фермер хўжаликларида 4,4 фоизни ташкил

этди, сигирлар мос равишда 94,5 ва 4,5 фоизни, қўйлар ва эчкилар 88,3 ва 6,0 фоизни, паррандалар 69,7 ва 5,0 фоизни ташкил қилди.

2020 йил 1 июль ҳолатига ҳудудлар кесимида чорва моллари ва паррандалар бош сони



Йирик шохли қорамоллар (минг бош)

шу жумладан: сигирлар (минг бош)



Қўйлар ва эчкилар (минг бош)

Паррандалар (минг бош)



2020 йилнинг январь-июнида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 132,4 минг тонна гўшт (2019 йилнинг январь-июнига нисбатан 102,2 фоиз), 523,8 минг тонна сут (102,4 фоиз), 229571,0 минг дона тухум (99,7 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 98,3 фоиз, сут ишлаб чиқаришда 99,9 фоиз, тухум ишлаб чиқаришда 67,0 фоизни ташкил этди.




2020 йилнинг январь-июнь ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари


| | <i>миқдори</i> | <i>ўсиш суръати, %</i> |
|--------------------------------------------------------|----------------|----------------------------|
| Гўшт (тирик вазнда), минг тн. | 132,4 | 102,2 |
| <i>шу жумладан:</i> | | |
| Фермер хўжаликлари | 1,9 | 87,2 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 128,3 | 102,6 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 2,2 | 95,6 |
| Сут, минг тн. | 523,8 | 102,4 |
| <i>шу жумладан:</i> | | |
| Фермер хўжаликлари | 16,7 | 121,9 |

| | <i>миқдори</i> | <i>ўсиш суръати, %</i> |
|--------------------------------------------------------|----------------|----------------------------|
| Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 504,1 | 102,0 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 3,0 | 92,9 |
| Тухум, млн. дона | 229,6 | 99,7 |
| <i>шу жумладан:</i> | | |
| Фермер хўжаликлари | 7,4 | 93,8 |
| Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 146,3 | 100,9 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 75,9 | 98,0 |

2020 йилнинг январь-июнь ойларида ҳудудлар кесимида асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш



Тухум (млн. дон)




Фермер хўжаликлари. 2020 йилнинг январь-июнь ойларида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 1989,3 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати 81,9 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 21,1 фоизни ташкил этди. Деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 1843,0 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати 80,8 фоизни, чорвачилик маҳсулотларининг ҳажми 146,3 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 96,5 фоизни ташкил қилди.

Ҳосил йиғими. 2020 йил январь-июнь ойларида фермер хўжаликлар томонидан 520779 тонна дон экинлари (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати (75,2 фоиз), 17592 тонна сабзавот (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати (42,5 фоиз), 11334 тонна картошка (101,0 фоиз), 14102 тонна озикбоп полиз (67,5 фоиз), 34195 тонна мева ва резаворлар (106,6 фоиз), 4427 тонна узум (174,4 фоиз) етиштирилди.

2020 йил январь-июнь ойларида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

| | 2019 йил январь-июнь | | 2020 йил январь-июнь | | 2019 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида |
|----------|----------------------|--------------------------------------------|----------------------|--------------------------------------------|----------------------------------------------|
| | тонна | ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз | тонна | ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз | |
| Картошка | 11224 | 12,0 | 11334 | 11,7 | 101,0 |
| Сабзавот | 41429 | 23,9 | 17592 | 11,6 | 42,5 |
| Полиз | 20895 | 48,1 | 14102 | 38,3 | 67,5 |
| Мева | 32083 | 45,0 | 34195 | 49,7 | 106,6 |
| Узум | 2539 | 44,7 | 4427 | 58,7 | 174,4 |

Январь-июнь ойларида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотлари



Чорвачилик. 2020 йилнинг январь-июнида фермер хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 1901 тонна гўшт (2019 йилнинг январь-июнига нисбатан 87,2 фоиз), 16687 тонна сут (121,9 фоиз), 7456 минг дона тухум (93,8 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги чорвачилик маҳсулотлари

| | 2019 йил январь-июнь | | 2020 йил январь-июнь | | 2019 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида |
|------------------|----------------------|--------------------------------------------|----------------------|--------------------------------------------|----------------------------------------------|
| | тонна | ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз | тонна | ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз | |
| Гўшт | 2181 | 1,7 | 1901 | 1,4 | 87,2 |
| Сут | 13685 | 2,7 | 16687 | 3,2 | 121,9 |
| Тухум, минг дона | 7949 | 3,5 | 7456 | 3,2 | 93,8 |

2020 йилнинг 1 июль ҳолатига фермер хўжаликларида 68,4 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 22,9 минг бош сигир, 276,9 минг бош қўй ва эчкилар, 2,9 минг бош от, 284,2 минг бош паррандалар мавжуд.

2020 йил январь-июнь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги чорвачилик маҳсулотлари

